



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY  
VA O'RTA MAXSUS TA'LIM  
VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATSION RIVOJLANISH  
VAZIRLIGI

**“БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИ ВА  
ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ  
МЕРОСИНING АҲАМИЯТИ”**

мавзусидаги республика онлайн

илмий-амалий анжумани

**МАТЕРИАЛЛАРИ**



*Alisher  
Navoiy*

**580**

**5 февраль 2021 йил  
Бухоро**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ  
ЮКСАЛИШИ ВА ЁШЛАР  
ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ  
МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

мавзуидаги республика онлайн илмий-амалий конференция

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021 йил 5 февраль. Бухоро

<i>Murodova Gulchehra</i> “HAYRAT UL ABROR” DOSTONIDAGI SO‘Z TA‘RIFI BOBI NASHRLARINING QIYOSIY TAHLILI.....	68
<i>Шоҳиста Низомова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА СУВ ВА ОЛОВ ОБРАЗИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ. ....	71
<i>G. S.Omarova, M. R. Bozorbayeva</i> “LAYLI VA MAJNUN” DOSTONIDA MUALLIF DADIY NIYATINING IFODALANISHI.....	76
<i>Ражабова Маърифат</i> САМАНДАР – АБАДИЙ ҲАЁТ ТИМСОЛИ.....	80
<i>Зулайҳо Раҳмонова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЁТИДА ТАБЪА ТАЛҚИНЛАРИ... ..	84
<i>Sadullayeva Shahlo, Shamsiddinova Sitora</i> "LISON UT-TAYR" DOSTONIDA HAYRAT VA FAQR-U FANO VODIYLARINI TASVIRLASHDA TAMSILIY NIKOYATNING ANAMIYATI. ....	89
<i>Safarova Shahlola</i> “SABB‘AI SAYYOR” DOSTONI HAMD BOBINING G‘OYAVIY –BADIY TAHLILI.... ..	94
<i>Hilola Safarova, Mohigul Ismatova</i> ALISHER NAVOIYNING “FARHOD VA SHIRIN” DOSTONIDA OBRAZ YARATISH MAHORATI.....	98
<i>Sayliyeva Zarina</i> “HIRIY JON, BADANDIR XUROSON ANGA...” .....	100
<i>G. Sayidova</i> ALISHER NAVOIY ASARLARIDAGI O‘XSHATISHLARNING TASNIFI... ..	104
<i>H. H. Teshayev</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ. ....	107
<i>Xudoyorova Nigora</i> NAVOIY NAZMINING JLLOLARI.....	111
<i>Д.К.Эргашева</i> ПОЭТИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ АЛИШЕРА НАВОИ.....	113
<i>Ergasheva Naima</i> ALISHER NAVOIY G‘AZALLARIDA TANOSUB SAN‘ATI.....	118
<i>Хусниддин Эшонқулов</i> МАЪШУҚА ВА ОШИҚ ҲОЛИГА ХОС ИСТИОРАЛАШГАН ЭПИТЕТЛАРИНИНГ ҚОФИЯЛАНИШИ.....	120
<i>G. Sh.Qobilova</i> “SAB‘AI SAYYOR” DOSTONINING ILMIY-TANQIDIY MATNINI YARATISHDA ASOS BO‘LGAN MANBALAR.....	124
<i>Дилрабо Қувватова, Зарнигор Соҳибова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ОҒАҲИЙ ШЕЪРИЯТИДА БАҲОР ТАСВИРИНИНГ МУШТАРАК ЖИҲАТЛАРИ...126	
<i>Halimova Shahlo</i> ALISHER NAVOIY TARJE‘BANDLARINING TASVIR MOHIYATI... ..	130
<i>Hojiyeva Nigina</i> АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ТАБИАТ ТАСВИРИ..133	
<i>Azimjon Hamidov</i> ALISHER NAVOIY G‘AZALLARI NASHRIDAGI AYRIM TAFOVUTLAR HAQIDA MULOHAZALAR.....	137
<i>Vaxobova Shoxida</i> “MUNSHAOT” MAKTUBLARIDA NAVOIY QARASHLARINING AKS ETISHI.....	140

## АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА СУВ ВА ОЛОВ ОБРАЗИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

*Шоҳиста Низомова,*

БухДУ Мактабгача ва бошланғич  
таълим кафедраси ўқитувчиси

Донишманд шоир Алишер Навоий лирик меросининг ўзбек шеърияти тарихида ўзига хос ўрин эгаллашида шоир қўллаган рамзий-тимсолий образларнинг ҳам алоҳида улуши бор. Бунда, албатта, улуғ шоирнинг ўзбек ва форс-тожик шеъриятида бу борадаги поэтик анъаналарга эргашиши баробарида уни янада мкаммаллаштиргани эътиборни тортади.

Навоий лирикаси нафақат жанрий хилма-хиллиги, поэтик мазмунининг кенглиги ва чуқурлиги, балки бадий-рамзий образларининг ранг-баранглиги билан ҳам туркий шеъриятнинг энг ёрқин намуналаридандир. Зеро, шоир шеърларининг ғоявий мазмундорлигини, бадий-эстетик таъсирчанлигини оширишда уларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, шоирнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонида 10-ғазал сифатида келтирилган ишқий мавзудаги, рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган “Синса кўнглумда ўқунг” радифи билан бошланувчи ғазалда сув ва олов образларининг гўзал талқинини кўриш мумкин. У ошиқ кўнглининг шарҳи ҳоли сифатида яратилган бўлиб, ёр ишқи кўнглида ишқ оловини ёққанлиги туфайли хаёллари эрта-кеч маъшуқа сари сувдай оқаётган ошиқнинг дардидан сўзлайди. Шу маънода ушбу ғазалда сув ва олов ҳам поэтик тимсол даражасига кўтарила олган. Улар орқали шоир бетакрор поэтик лавҳаларни яратишга эришган. Жумладан, ёрнинг ёқутдек лабидан чиққан хар бир сўз ошиқнинг руҳига қувват бағишловчи афсонавий оби ҳаёт (тириклик суви) аралаштирилган майга ўхшатирилган:

Бодайи лаълинг мизожи руҳпарвардур баса,  
Гўйиё мамзуж этибсен оби ҳайвондин анга.

Афсоналарга кўра, ер остида оби ҳаёт булоғи мавжуд бўлиб, уни ичган киши туганмас қувватга, абадий ҳаётга мушарраф бўлади. Шу халқона тушунчаларга таяниб, шоир ёрнинг сўзларини абадий ҳаёт, мангу барҳаётлик, битмас-туганмас руҳий куч бағишловчи тириклик сувига ўхшатмоқда.

Ғазалнинг навбатдаги байтида ёрнинг отган ўқи ошиқнинг кўнглидаги шавқ оловини гоҳ сокин (секин), гоҳ тезлаштиргани ҳақида сўз юритилган. Бу ўқ баъзан ўтиндек бўлиб, кўнгилга олов ёқади, гоҳ эса бу оловга сув сепиши айтилади:

Ўқи кўнглум шуъласин гаҳ сокин этти, гоҳ тез,

Гаҳ ўтун бўлди, гаҳе суғурди пайкондин анга.

Ушбу байтда шоирнинг ўқ, олов, сув тушунчаларини ёнма-ён қўллашдан таносиб санъати ҳосил бўлганини айтиш мумкин. Негаки, ўқ ясашиши учун олов ва сув керак. Чунки камон ўқининг учи ўткир бўлиши учун уни аввал ёниб турган оловга тутиб тоблаганлар, кейин эса сувга ботириб олганлар. Шу тарзда мустаҳкам, чидамли, қаттиқ ўқ тайёрланган. Навоий байтда “гаҳ ўтун бўлди, гаҳе суғурди” деганда бевосита ўқнинг худди ўтин каби оловга солинишию, лекин яна оловдан унинг қайта суғуриб олиниши тасвирини ифода этган. Шеърятда бундай тасвирлар “хусни таълил”, яъни “чиройли далиллаш” санъати сифатида эътироф этилади. Демак, бу ўринда шоир бирданига иккита бадиий санъат – таносиб ҳамда хусни таълилни вужудга келтира олган.

Байтда ўқ ясалаётган темирнинг уста қўлида ўтиндек ёниб, оқар сувдек жилва бериши ҳам манзарали кўриниш бўлиб, шоирнинг бир вақтнинг ўзида “ўтин” сўзидан ҳам ўз, ҳам кўчма (“олов”) маънода фойдаланганидан далолат беради. Чунки ўтин сўзи олов билан боғлиқ тушунча сифатида унинг аналоги ҳисобланади. Лекин шу ғазалнинг қуйидаги мисрасида қўлланган “кўр” сўзи “олов” тушунчасининг яна бир аналоги “кўр”ни ифода этмайди. Бу ўринда “кўр” сўзи чодир, қапа маъноларини англатади:

Кўзга то кирмиш хаёлинг, совуғ оҳим ваҳмидин,

Боғламишмен кўрө ҳар сори мужгондин анга.

Шоир айтмоқчики, ошиқ кўзига тушган ёр аксини токи совуқ оҳ шамоллари учуриб кетмаслиги учун ўз киприкларидан чодир ясаб, ёрини химоялаб қўяди. Лекин яна ошиқ ўз хавотирининг ноўринлигини англаб, шундай дейди:

Не кабутар ета олур ул куёшқа, не насим,

Эй кўнгул, ҳолингни эълон айла афғондин анга.

Бу байтда ошиқ ўз кўнгил оламини (борлиғини) забт этган, уни ёриштириш баробарида куйдирган ягона суюқлисини жаҳонни ёритувчи худди шундай танҳо куёшга менгзаганлиги кузатилади. Қолаверса, халқ наздида ҳам олов ерга куёшдан ажралиб тушган. Шу маънода шоир ошиқ қалбига тушган оловни Ёрнинг биргина нигоҳи натижаси деб кўрсатади. Куёш ердан қанча олисда, юксакликда бўла туриб, уни куйдиргани, у сари ҳеч ким етиб бора олмагани каби ёр ҳам ошиқ учун олис ва олийлигидан, унга ҳеч бир нарса: на кабутар, на тонг шамоли ета олади. Унга фақат Ёр ёдини жойлаган кўнгил ва фиғон билан етиб бориши мумкин.

Ғазалнинг асосий моҳияти шундан иборатки, ҳақиқий ишқ ўти ҳеч қачон сўнмайди. У куёш қадар кўхна ва муқаддас. ,Олам борки, ишқ бор. Ҳатто

ошиқ кўзидан тўкилган жолалар ҳам, замон ва кўнгил тўфонлари ҳам ишқ оловини ўчиришга ожиз. Шунинг учун шоир ёзади:

Эй Навоий, йиғламоқ оҳимға таскин бермади,  
Ваҳ, бу не ўтдурки, йўқ таъсир тўфондин анга.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлилга тортилган ушбу ғазал байтларида сув ва олов тимсоллари ишқ тушунчаси билан боғлаб бадий ифода этилгани жиҳатидан алоҳида эътиборни тортади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. Т.3. Ғаройиб уссиғар. – Т.: Фан, 1988.
2. Шайхзода М. Асарлар. 6 жилдлик. Ж. 4. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1973.
3. Исоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т.: Фан, 1983.

### **АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА МИФОЛОГИК ҚУШ ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**

*Сарвиноз Нуруллаева*  
таянч докторант (БухДУ)

Ўзбек мумтоз шеърлятида, хусусан, ҳазрат Алишер Навоий ғазалларида ранг-баранг мифологик образлардан фойдаланилган. Улар орасида қуш киёфасидаги мифологик образлар воситасида яратилган поэтик ифодалар алоҳида диққатни тортади.

Навоий ғазалларида қўлланилган қуш кўринишидаги мифологик образлардан бири ҳумодир. Ҳумо эзгулик рамзи бўлган афсонавий қуш номи бўлиб, халқнинг ишонч-эътиқодига кўра, агар у кимнинг бошига кўнса ёки сояси тушса, ўша киши энг бахтли бўлади, давлат ва салтанатга эришади, деб қаралади. Шундан келиб чиқиб, эътиқод қилинган бу афсонавий қушни “бахт қуши”, “давлат қуши” ҳам дейдилар. [ЎТИЛ 2008: 561] “Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати”да ҳам “ҳумо афсонавий давлат қуши, кимнинг бошига сояси тушса, бахтли бўлади, деб эътиқод қилинадиган қуш” [АНАТИЛ 1985: 201] эканлиги қайд этилган.

Алишер Навоийнинг қуйидаги байтида ҳумо образи шоҳларнинг бошига соя солувчи давлат қушини англатмоқда:

*Не қувват бирла шаҳ густох сўзлашгай анинг бирла,*

*Ки, ваҳм этгай бошига соя солмоқдин ҳумо густох* [Навоий, 1988: 103].

Демак, шоҳ ва гадо сўзлашганда андишасизлик, густохликка йўл қўйилса, ҳумо қуши ҳам унга давлат ҳадя қилишга ҳайқар экан. Бу билан шоҳлар мулоҳазали, адолатли ва бағрикенг бўлиши кераклиги уқтирилган.